

**Вахабов А.В.,**Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий университети  
«Макроиқтисодиёт» кафедраси муdiri,  
иқтисод фанлари доктори, профессор;**Охундедаева М.О.,**Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий университети  
3-босқич талабаси

# ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

**ВАХАБОВ А.В., ОХУНДЕДАЕВА М.О. ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИНГ  
РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Мақолада Ўзбекистонда мустақиллик йилларида пенсия тизимининг ҳуқуқий-институционал асослари ҳолати баҳоланган, пенсия таъминотининг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари аниқланган.

Таянч иборалар: пенсия жамғармаси, ижтимоий тўлов, пенсия таъминоти, ёшга доир пенсиялар, ижтимоий нафақа, пенсия тизимидаги имтиёзлар, манзиллилик, норматив ҳужжат, жамғариб бориладиган пенсиялар.

**ВАХАБОВ А.В., ОХУНДЕДАЕВА М.О. ТЕНДЕНЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЕ  
ПЕНСИОННОЙ СИСТЕМЫ УЗБЕКИСТАНА**

В статье изучены и оценены правовые и институциональные основы пенсионной системы в Узбекистане за годы независимости, выявлены тенденции развития пенсионного обеспечения.

Ключевые слова: пенсионный фонд, социальная выплата, пенсионное обеспечение, пенсия по возрасту, социальное пособие, льготы в пенсионной системе, адресность, нормативный документ, накопительная пенсия.

**VAXABOV A.V., OKHUNDEDAYEVA M.O. THE TENDENTION AND DEVELOPMENT OF  
THE PENSION SYSTEM IN UZBEKISTAN**

In the article is shown the perspectives and the trends of pension system development. in the years of independence of Uzbekistan. As well there is estimated the legal and institutional basis of pension supply.

Keywords: pension fund, social payment, pension guarantee, pension for age, social benefits, retirement system of benefits, targeting, regulatory documents, stoked pension.

**Жаҳон иқтисодиётида аҳолининг қариши, глобал муаммоларнинг амал қилиши, молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганлиги миллий пенсия тизимларини такомиллаштириш ва молиявий барқарорлигини таъминлашга бағишланган чуқур илмий тадқиқотларни жадаллаштиришни тақозо этмоқда.**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон аҳолиси 21 миллиондан 31,5 миллионгача кўпайди<sup>1</sup> ва аҳоли сонининг кўплиги бўйича жаҳонда биринчи 50 та давлат орасига кирди<sup>2</sup>. 2014 йилда мамлакат аҳолисининг 50,1 фоизи эркаклардан, 49,9 фоизи аёллардан ташкил топган ҳолда, меҳнатга лаёқатли ёшгача аҳоли 29,9 фоизни, меҳнатга лаёқатлилар 61,7 фоизни, меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар эса 8,4 фоизни ташкил қилди<sup>3</sup>. Мамлакатимизда ўзига хос демографик вазият, аҳоли ўртача умр кўриш ёшининг ортиб бориши пенсия тизимини изчиллик билан такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда пенсия тизимининг асосий меъёрий-ҳуқуқий асосини 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни ташкил этади.

Жаҳон мамлакатларидаги пенсия таъминоти тизими қуйидаги даражалардан иборат:

- авлодлар бирдамлиги ёки қайта тақсимловчи тизим – пенсия тўлови учун жорий харажатларни мажбурий суғурта тўловлари ҳисобидан молиялаштириш;

- жамғариб бориладиган пенсия таъминоти – фуқароларнинг шахсий жамғармаларига аввалдан ўтказилиб келинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши;

- профессионал (касбий) ёки соҳавий пенсиялар, ихтиёрий пенсия;

- аралаш пенсия таъминоти – авлодлар бирдамлиги ва жамғарилган пенсия таъминоти тизимларининг элементларидан ташкил топган.

Мамлакатимизда амал қилаётган пенсия тизими «бирдамлилиқ» таъминоти асосланган бўлиб, унда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг элементлари ҳам мавжуд. 2005 йил 1 январдан бошлаб жамғариб бориладиган пенсия тизимининг элементи жорий қилинди. Мамлакатимизда жамғариб бориладиган пенсия тизими учун ходимдан олинладиган даромад солиғининг 1 фоиз миқдори ходимнинг Халқ банкидаги ҳисоб рақамига ўтказилмоқда. Мажбурий жамғариб бориладиган пенсия тизимида жамғарилган пул маблағларини кишилар пенсияга чиққандан сўнг ёки қонунчиликда белгиланган бошқа

<sup>1</sup> <http://kun.uz/2014/09/01/uzbekistan/>

<sup>2</sup> Манба: Worldometers – Жаҳон бўйича статистик маълумотларни йиғувчи тадқиқотлар ташкилоти.

<sup>3</sup> Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси. – Т., 2014. –17-б.

**1-жадвал. 2005–2014 йилларда ягона ижтимоий тўлов ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий суғурта бадаллари ставкаларининг ўзгариши (%)<sup>1</sup>**

	Йиллар					
	2005	2010	2011	2012	2014	2015*
Ягона ижтимоий тўлов:	33	25	25	25	25	25
Жумладан:						
Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан пенсия жамғармасига ижтимоий тўловлар	30	24,8	24,8	24,8	24,8	24,8
Фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари	2,5	4	4,5	5,5	6,5	7,0
Товар (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажмидан Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма	0,7	1,5	1,5	1,6	1,6	1,6

\* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2270-сонли қарори.

ҳолатларда олиш имкониятига эгалар. Жамғариб бориладиган хусусий пенсия фондларига ишловчилар тўлайдиган бадаллик тўлов ставкаси айрим мамлакатларда қуйидаги кўринишга эга: Россия – 6%, Швеция – 2,5%, Литва – 2%, Руминияда 2,5%га тенг<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда 1996 йилда пенсия тизимини ташкил этиш, давлатнинг ижтимоий суғуртаси бўйича мажбурий бадаллар, ажратмалар ва тўловларнинг тўлиқ йиғилишини таъминлаш мақсадида Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-

4161-сонли фармонида мамлакатимиз пенсия таъминоти тизимининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш, пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ўз вақтида молиялаштириш ҳамда уларни тўлиқ ҳажмда тўлаш, шунингдек, республика фуқароларининг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш мақсадли фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш кўзда тутилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳамда фермерлик хўжаликлари меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 15% ягона ижтимоий тўлов, жумладан, бюджетдан ташқари пенсия фондига 14,8% суғурта бадаллари тўлайдилар.

Пенсия жамғармаси 2011 йилдан жамғарма даромадларини қоплаш даражаси дефицит ҳолатидан чиқди.

2010 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009

<sup>1</sup> Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси материаллари асосида тузилган.

<sup>2</sup> Роик В.Д. Пенсионная система России: трудный путь становления страховых институтов. // Журнал "ЭКО", 2011, №3. – С. 5.

**2-жадвал. Пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сонининг ўзгариши (%да, 2009 йилга нисбатан)<sup>1</sup>**

	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
Умумий пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони	100	98	95	92	93
Шунингдек:					
Ёшга доир	100	102	103	104	105
Ногиронлик пенсияси	100	89	75	67	65
Боқувчисини йўқотганлик пенсияси	100	93	87	69	66
Бошқалар	100	97	96	97	102

Йил 30 декабрдаги «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4161-сонли фармонига мувофиқ, пенсия ва нафақаларни тайинлаш, уларнинг тўловини мониторинг қилиш, ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида янгидан ташкил этилган Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширила бошланди.


2-жадвал маълумотлари таҳлилининг кўрсатишича, 2009 йилга нисбатан ногиронлик пенсияси, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчилар сони камайган. Ушбу ҳолат мамлакатимизда олиб борилган мониторинглар натижасида пенсия тизимидаги имтиёзлар қисқартирилиб, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллигини кучайтириш ва пенсия жамғармаси маблағларидан фойдаланиш самарадорлигининг ошиб бораётганлигини кўрсатади.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини таъминлаш, пенсия ти-

зимини ривожлантиришда бозор муносабатларини қўллаш, пенсия таъминотининг манзиллигини кучайтириш мақсадида аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2011 йил 1 январдан пенсия қонунчилигига пенсиялар миқдорининг Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантиришда фуқаролар ҳиссасига боғлиқлигини кучайтиришга қаратилган қатор ўзгартиришлар киритилди. Айрим тоифадаги шахсларнинг пенсия таъминоти ҳуқуқи, иш стажини ҳисоблаб чиқишда меҳнат фаолиятининг баъзи даврларини ҳисобга олиш оптималлаштирилди<sup>2</sup>. Авваллари фуқаролар пенсия ёшига етиб, етарли иш стажларига эга бўлмаса ҳам пенсиялар берилган бўлса, бугунги кунда эса камида беш йиллик иш стажига эга бўлган фуқаролар пенсия ёшига етганларида ижтимоий пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. Келгусида камида ўн йиллик иш стажига эга бўлган фуқаролар пенсия ёшига етганларида пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлишлари кутилмоқда.

<sup>1</sup> Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане 2013. Статистический сборник. – Т., 2013. –С. 57.

<sup>2</sup> Пенсия таъминоти тизими такомиллашмоқда. // <http://uza.uz/uz/business/21770/>

1-расм. 2001-2013 йилларда ёшга доир энг кам пенсиянинг ўзгариш динамикаси (минг сўм)<sup>1</sup>

Бу эса, ўз навбатида, пенсия тизимининг молиявий барқарорлашувини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш ва турмуш сифатини яхшилаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 21 ноябрь куни эълон қилган «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-4672-сонли фармонига кўра, Ўзбекистонда 2014 йил 15 декабрдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилиши маълум қилинган эди. Бу фармонга биноан, бундан буён нафақаларнинг таянч миқдори ёшга нисбатан бериладиган нафақанинг энг кам миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

2015 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам иш ҳақи — ойига 118 400 сўм;

қарилган пенсияси миқдори 231 575 сўм; ногиронларга бериладиган ойлик нафақаси миқдори 231 575 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 142 100 сўм қилиб белгиланди<sup>2</sup>.

1-расмда 2001-2013 йилларда ёшга доир энг кам пенсиянинг ўзгариш динамикаси келтирилган.


Ўтган йиллар мобайнида аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қатлами ҳисобланган, етарли меҳнат стажига эга бўлмаган қарияларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Ижтимоий адолат тамойилларининг тўлиқ жорий этилиши ва уларни кучайтириш мақсадида ёшга доир пенсия тайинлаш учун меҳнат стажининг энг кам чегараси белгиланди. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга кири-

<sup>1</sup> «Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане 2013. Статистический сборник» (Т., 2013. –54-б.) статистик маълумотлари.

<sup>2</sup> Манба: [http://lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact\\_id=2501477](http://lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=2501477)

2-расм. Ўзбекистонда тайинланган ўртача пенсиялар миқдорининг ўзгариш динамикаси (минг сўм)<sup>1</sup>



тилган<sup>2</sup> ва 2012 йилнинг 6 январидан кучга кирган ўзгартиришлар пенсия таъминоти ва унинг ижтимоий йўналтирилганлиги тамойилини изчил амалга оширишда ўз ифодасини топмоқда, бу ўзгартиришлар натижасида ўтган даврлардаги иш ҳақининг ҳозирги иш ҳақи даражасидан келиб чиққан ҳолда индексация қилиш механизми такомиллаштирилди.

2009–2013 йилларда ижтимоий нафақа, ижтимоий пенсия ва ёшга доир пенсиялар миқдори мамлакатда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат туфайли барқарор суръатлар билан ортиб бормоқда (2-расм).

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида пенсия тизимининг ҳуқуқий-институционал асосларини такомиллаштиришга қаратилган қарор,

<sup>1</sup> Муаллифлар томонидан «Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане 2014» (Т., 2014. –60–б.) статистик маълумотлари асосида ишлаб чиқилди.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 5 январдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги УРҚ-318-сонли қонуни. // Манба: [http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact\\_id=1933874](http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=1933874)

фармойишларда қуйидаги имтиёзлар бекор қилинди:

- қишлоқ хўжалиги ходимларининг айрим тоифалари, йўлсозлик ва юк ортиш-тушириш машиналарининг машинисти бўлиб ишлаган аёллар, экологик фалокат минтақасида ишлаган фуқаролар учун имтиёзли умумбелгиланган ёшдан 5 йил аввал пенсия олиш ҳуқуқи;

- ўқитувчилар ва таълим соҳасининг бошқа ходимлари, шифокорлар ва бошқа тиббий ходимлар, шунингдек, беш ва ундан ортиқ фарзанд туққан ва уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар учун имтиёзли пенсиялар;

- қария ёки ногиронларни парвариш қилган даврда ҳисобланувчи иш стажлари;

- III гуруҳ ногиронларига тайинланган пенсиялар;

- олий таълим муассасалари, аспирантура, докторантура ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан, чет элда ўқишни иш стажининг сифатида қабул қилиш; бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришлаш



**3-жадвал. Минтақалар бўйича пенсия турлари ва ижтимоий ёрдам олиш кўрсаткичларининг ўзгариши (жамига нисбатан фоиз ҳисобида)<sup>1</sup>**

	Умумий		Пенсия турлари								
			Ёшга доир		Ногиронлик		Боқувчисини йўқотганлик		Ижтимоий нафақа		
	2006	2013	2006	2013	2006	2013	2006	2013	2006	2013	
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Қорақалпоғистон Республикаси	6,5	4,7	5,2	4,9	8,5	9,1	9,2	7,2	6,9	7,4	
Вилоятлар:											
Андижон	9,1	12	9	9,1	11	9,2	8,1	8,6	8,6	9,2	
Бухоро	5,7	6	6,1	6	5,6	7,5	4,3	4	5,5	5,2	
Жиззах	3,5	3,4	3,2	3	3,5	3,1	4,6	5,1	4,3	4,7	
Қашқадарё	8	8,4	7,9	8,4	6,7	7,3	10	10	8,3	9,6	
Навоий	3,6	3,4	3,3	3,1	4,6	4,5	3,2	3	4,2	3,4	
Наманган	7,5	7,7	7,6	7,5	6,6	7,7	8	8,7	8,1	8,4	
Самарқанд	10	10	9,7	10	11	9,4	11	12	11	10	
Сурхондарё	6,7	6,8	6,7	6,5	4	5,9	9,8	8,7	6,9	8,3	
Сирдарё	2,9	2,5	2,3	2,3	4,1	3,2	3,5	2,7	3,3	2,8	
Тошкент	9,5	9,8	10	10	8,2	7,5	8,4	10	9	7,9	
Фарғона	11	11	12	12	12	11	9,2	9	10	10	
Хоразм	5,7	5,4	5,9	5,4	4,9	6	5,2	4,6	6,5	7,1	
Тошкент шаҳри	9,7	10	11	11	9,6	9	5,2	6,3	7,1	4,8	

таътилларида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил мобайнидаги ҳисобга олинадиган иш стажи.

3-жадвал маълумотлари асосида 2013 йилда 2006 йилга нисбатан ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик пенсиялари ва ижтимоий нафақа олувчилар сони камайганлиги, ижтимоий тизимда амалга оширилган манзиллаштириш тамойили ўзининг натижасини берганини кўришимиз мумкин. Минтақалар бўйича кўрсаткичларни кузатадиган бўлсак, мамлакатимиздаги айрим вилоятларда аҳоли ўртасида пенсия ва ижтимоий ёрдам олувчилар сонининг кўплигини ҳамда бунинг сабаби сифатида қишлоқ жойларда аҳолининг асосий кундалик иш фао-

лияти қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ эканлигини айтишимиз мумкин.

2014 йилда мамлакатимизда 60 ёшдан ошганлар сони 2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ташкил этади. Мустақиллик йилларида аҳолининг ўртача яшаш ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етди. Айни пайтда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар, шунга эътибор беринг, 100 ёшдан ошган табаррук қариялар яшамоқда. Улар орасида 3 минг 109 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 69 минг 994 нафар фронт ортида меҳнат қилган инсонлар борлигини алоҳида таъкидлаш лозим<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> «Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане 2013. Статистический сборник» (Т., 2013. –58-б.) статистик маълумотлари.

<sup>2</sup> <http://www.uztelecom.uz/uz/company/social/senior-care/>

2014 йилда пенсия ва нафақа тўлаш учун 11 триллион 618 миллиард сўмдан ортиқ пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд нафақалар тўлангани<sup>1</sup> бунинг амалий тасдиғидир. Ўртача пенсия миқдори ўртача ойликнинг 41 фоиздан зиёдини ташкил этди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2014 йил 13 октябрда қабул қилинган «1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони асосан 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий ҳимоялаш, жумладан, уларга йилда бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан даволаниш имкони яратилди. Хусусан, 2013 йилда «Нуроний» жамғармаси томонидан шу мақсадда 610 миллион сўм маблағ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан 1 миллиард 597 миллион сўмдан зиёд маблағ пенсия ва нафақа тўлаш учун сарфланди<sup>2</sup>.

Кексалар турмуш даражасини ошириш ва сифатини яхшилаш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг устувор йўналиши ҳисобланади. Шу муносабат билан, 2015 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимизда «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилинди ва бу муносабат билан «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури қабул қилинди.

Жумладан, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурини амалга оширишнинг устувор вазифа ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;

- пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;

- ёши улуғ инсонларга давлат хизматлари, шу жумладан, турли маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатларни олиш хизматларини кўрсатишнинг энг қулай тизимини шакллантириш;

- кексалар, авваламбор, фашизм устидан қозонилган ғалаба ва Ватанимизни қайта тиклашга муносиб ҳисса қўшган 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёши улуғ инсонлар, биринчи навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматлар рўйхатини кенгайтириш, уларни фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш учун маҳаллалар, «Нуроний» жамғармаси, бошқа нодавлат ташкилотлари ва ижтимоий тузилмалар томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш миқёсини ошириш ва бошқа масалалар.

2015 йилда дастурда режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш учун жами 2246,5 миллиард сўм (229,6

<sup>1</sup> <http://kun.uz/2014/12/09/uzbekiston-100-yoshdan-oshgan-8700-nafar-qariya-bor/>

<sup>2</sup> <http://www.uztelecom.uz/uz/company/social/senior-care/>



миллион доллар), улардан бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан 310,3 млрд сўм, бажарувчилар ва хомийлар маблағлари ҳисобидан 995,2 млрд сўм, тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан 940,3 млрд сўм, халқаро ташкилотлар, молиявий институтлар маблағлари ва грантлари ҳисобидан 0,7 млрд сўм йўналтириш кўзда тутилган<sup>1</sup>.

Пенсия амалиётида пенсия тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш ва самарали фаолият кўрсатишининг муҳим кўрсаткичи боғлиқлик коэффициенти ҳисобланиб, халқаро меҳнат ташкилоти тавсиясига кўра бир пенсионерга тўлов тўлаётган ишчилар сони камида икки киши бўлиши ва тўлов давлатнинг бирдамлик таъминоти асосланган бўлиши керак. Ўзбекистонда демографик вазият ҳозирги пайтда яхши бўлиб, ҳар бир пенсионерга 5–6 тўловчи тўғри келмоқда.

Ўзбекистондаги демографик прогнозларга кўра истиқболда ишлайдиган фуқаролар сони билан пенсионерлар сони ўртасидаги нисбат-боғлиқлик коэффициенти камайиб бориши кутилмоқда, яъни ишлаётганларнинг бадаллари пенсионерларга пенсияларни тўлашга етмаслик ҳолати юзага келиши мумкин. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг пенсия ёшида умр кўриш ўртача давомийлиги 17 ёшни ташкил этмоқда, яъни бу пенсияга чиққандан сўнг яна 17 йил яшаш деганини англатади. Пенсия вақтида соғлом муҳитда ҳаёт кечириш 13,7 йилни ташкил

этноқда. Бугунги кунда пенсионерлар мамлакат аҳолисининг 6,7%ни ташкил этса, таҳлилий прогнозларга кўра 2030 йилда бу кўрсаткич 11,6%ни, 2050 йилда эса 19,4%ни ташкил этиши кутилмоқда<sup>2</sup>. Ушбу ҳолат жорий пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ўрта истиқболда таъминлаш муаммосининг долзарблигини кучайтиради ва илмий-амалий аҳамиятини оширади.

Ўзбекистонда амал қилаётган пенсия тизимини ҳал қилиш ва молиявий барқарорлигини таъминлашда айрим муаммолар мавжуд ва уларни ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш механизмининг такомиллаштиришда бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш объектига корхоналар фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳам киритилиши лозим; «Бирдамлик» пенсия тизимидан жамғариладиган пенсия тизимига босқичма-босқич ўтиш сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш зарур;

- жаҳоннинг илғор тажрибасини республикамиз амалиётида қўллаган ҳолда, аҳоли турмуш даражасининг ошаётганлигини ҳисобга олиб, ижтимоий тўловлар юқини иш берувчилардан ишчи ва ходимлар зиммасига босқичма-босқич ўтказиш, яъни амалдаги 87:13 нисбатни истиқболда 50:50 нисбатга етказишни таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

<sup>1</sup> [http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact\\_id=2575143](http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=2575143)

<sup>2</sup> CA-News.org/news:1125979

### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 5 январдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-318-сонли қонуни. // Манба: [http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact\\_id=1933874](http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=1933874).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4161-сонли фармони. // Манба: [http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact\\_id=1568149](http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=1568149).
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2014 йил 13 октябрда қабул қилинган «1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони. // Манба: [http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact\\_id=1568149](http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=1568149).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2270-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 февралдаги «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-2302-сонли қарори.
6. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси. – Т., 2014.
7. Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане 2014. – Т., 2014. –С. 60.
8. Worldometers – Жаҳон статистик маълумотларини йиғувчи тадқиқотлар ташкилоти: <http://www.moneymeters.org>
9. <http://kun.uz/2014/09/01/uzbekistan/>
10. [http://lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact\\_id=2501477](http://lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=2501477)
11. <http://kun.uz/2014/12/09/uzbekiston-100-yoshdan-oshgan-8700-nafar-qariya-bor/>
12. <http://www.uztelecom.uz/uz/company/social/senior-care/>